

**Нигора Исраилова
АДЧТИ, немис тили назарияси ва
амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси**

БАДИЙ АДАБИЁТЛАРДА ФРАЗЕОЛОГИЗМЛарНИНГ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Аннотация: Бадий адабиётларда фразеологизмларнинг таржима муаммолари таржима назариясининг бир қанча мухим масалалари қатори мақол, матал, идиомалар, сўз ўйинлари ва образли ибораларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш муаммоси хам ғоят катта аҳамият касб этади.

А.Ф.Фёдоров бу соҳада ўз фикрларини қўйидагича баён этган: «Фразеология масалалари ва турли тилларда сўзларнинг ҳар хил бирикишига оид умумий муаммо, таржима амалиёти билан бирга, таржима назарияси учун хам ғоят мухимдир», чунки турли тилларда маъноси бир хил бўлган сўзларнинг маъно ва услуб функциялари бир-биридан тафовут қилиши, турли тилларда бундай сўз бирикмаларнинг фарқ қилганини учун, таржима амалиётида катта мушқуллик туғдириб, назарий жиҳатдан хам жуда катта қизиқиш уйғотади.

Таржимада муаллифлар услуби ва миллий колоритни акс эттириши, аниқ ва эркин таржима тушунчаси, образ ва қахрамонларнинг тил хусусиятларини таржимада бериш, адекват бадий таржима яратиш ва бошқа ўнлаб жумбоқлар мақол, матал ва идиоматик ибораларни таржима қилиши масалалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Фразеологик ибораларни таржима қилиш жуда мураккаб иш. Кўпгина ёзувчи шоир ва олимларнинг асарларида бу нарса кенг ёритиб берилган. А.Бинович қўйидагича ўз фикрини ифодалайди ... «таржимонга ғов бўладиган нарса ҳар қандай ибораларни тўғри таржима оқибатида келтирадиган маъноси уларни ташкил этган компонентларнинг ҳозирги вақтдаги маъносидан келиб чиқмайди».

Ўзбек таржимашунослик намоёндалардан бири У.Т.Турсуновнинг эса «Ўзбек тили фразеологизмларнинг таркиби, бойиш манбалари ва йўллари ҳақида» то ҳозиргача биронта хам тадқиқот йўқ. Олий ўқув юртлари дастурларида «Ҳозирги ўзбек тили» курсининг бутун бир бўлими ҳақиқатда ёритилмай келмоқда, бу эса жуда ачинарли фактдир” дейди.

Таржима назариясининг фразеология ва идиоматика муаммоларини ўрганиш натижалари лексикология учун қимматли материал беради, бадий таржима туфайли тилнинг фразеологияси бойиди, бадий асар тилида ифодаланган миллий руҳни акс эттиришда фразеологиянинг роли катта, мақол, матал ва идиомаларни бузиб таржима қилиши асар тилини нурсизлантиради ва унинг бадий қийматига путур етказади.

А.В.Федоров “Таржима назариясига кириш” номли асарида фразеологик ибораларни таржима қилишининг қўйидаги усуулларини кўрсатади.

- 1) Фразеологизмларни – таркибдаги сўзларнинг (объектларнинг) маъносни айнан сақлаган холда-аниқ таржима қилиш.
- 2) Асл нусхадаги фразеологик иборалар таркибдаги сўзларнинг мазмунини ёки шаклини бирмунча ўзгартириб таржима қилиш.

3) Асл нусхадаги фразеологик бутунликларни асар таржима қилинаётган тилда ҳақиқатда мавжуд бўлган муқобил билан алмаштириш.

Муалифнинг кўрсатишича, фразеологизмлини таржима қилишнинг биринчи ва иккинчи усуллари қўл келмаган тақдирда, уларни таржима тилида мавжуд бўлган кўчма маъноли бирикмалар билан алмаштириш маъқул. Бу таржимада катта ўрин эгаллади. Қандай ҳолларда, фразеологизмнинг қайси қатламларида уларнинг обьектлари бир-бирига мувофиқ келади, бунинг сабаб ва окибатлари нимадан иборат? Қуйида ана шу масалалар атрофлича фикр юритилади.

Бирикманинг обьектини ҳамиша сақлашга интилиш ғализлик туғдирса, аксинча, ҳар қандай ҳолларда хам уларни ўзбекча анъанавий обьектлари билан алмаштиравериш матнга маҳаллий, миллий бўёк беришга сабаб бўлиши мумкин.

Демак, таржимада бирикманинг обьектини ўрганиш уни қайси йўл билан таржима қилиш лозимлигини белгиловчи омиллардан биридир. Чунончи, уни аник таржима қилиш керакми, ўзбекча эквиваленти ёки муқобили билан алмаштириш лозимми, ёхуд бошка йўллар билан акс эттириш маъқулми деган масалаларнинг белгилашда бирикма обьектининг ахамияти катта; фразеологизм обьекти уни қандай таржима қилиш кераклигини белгиловчи нарсадир.

Иккинчи томондан, обьектлари хамда шакллари бир-бирига жуда мувофик келадиган айrim фразеологизмлар мазмунан бир-бирларининг ўрнини коплай олмаслиги мумкин. Ана шундай ҳолларда баъзан соxта эквивалентлар ҳам ишлатилиб юбориши хафли туғилади. Кўп ҳолларда таржимон бирикмани механик равишда унинг обьектларига қараб таржима қилиб, бадиий ифодада гализликка ва тил сунъийлигига йўл қуяди.

Демак, бирикмани обьекти уни қандай таржима қилмаслик кераклигини хам белгиловчи омиллардан биридир.

Кўп таржимонлар фразеологик бирикманинг аник эквивалентини тополмай, ҳар хилликга йўл қўйган чоғларида ҳам, бари бир асарнинг кейинги нашрларида ёки бошка асарларни таржима қилганларда ўзбек тилидан ўша бирикмаларнинг мағзини очадиган муқобил топиб ишлатишга харакат қилганлар. Сўз каби, идиоматик иборалар, ҳар хил контекст ичida турли- туман маъно оттенкаларини олиб келиш мумкин. Бундай ҳолларда улар шубҳасиз, ўша контекс талаб қилган маънога мувофиқ вариант билан таржима қилиши даркор. Масалан, Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» романида «Schafft mir diese Strohmänner vom Helse!» ибораси Я.Эгамова томонидан ўзбек тилига «мени бундай бефарқлидан халос этинглар» тарзида таржима этилган. Таржимон ўша контекст талаб этган мазмун ва моҳияти асосида ўгирган.

Чет тилидан фразеологик ибораларни уларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари билан бериш керакми? Ёки уларни сўзма-сўз таржима қилган маъқулми? Аввало, агар хамма фразеологизмларни сўзма-сўз таржима қилиб бўлганда эди, фразеология муаммоси хам бўлмасди.

К.Чуковский шундай фикрни илгари суради: «Гейне асарида: «Куйган мушук қайноқ қозондан қўрқар!» дейилган экан, уни: “Чўчитилган қарға бутадан қўрқар” деб таржима қилиб бўлмайди». Немис тилида бу ибора «Das gebrannte Kind fürchtet das Feuer» деб берилади. Ўзбек тилида “сутдан оғзи куйган, қатиқни хам пуфлаб ичар” дея ифодаланади. Аммо, улар сўзма-сўз таржима қилиш натижасида ўзлашиб кетиши мумкин. Бундай таржима она тилини бойитади, китобхон тасаввурини кенгайтиради.

Шеърий асардан ҳам мисолларни кўриб чиқайлик. Гетенинг “Фауст” асарида: “Viel Irrtum und ein Funkchen. Wahrheit so wird der beste Trank gebräut”. Ўзбек тилига эса Э.Вохидов томонидан қуидагича таржима этилади:

“Ёлғонни дўндиринг, қайнангур, жўшинг

Лекин оғиз рост гап ҳам қўйинг

Шунда сиз тайёрлаб узатган шарбат

Хам арzon бўлади, хам жонга лаззат”.

Контексуал маънога эга бўлган “шарбат тайёрламоқ” немис тилидан “Trank bräuen” фразеологик иборасига тўла мос тушган ва сўзма-сўз мохирона ўгирилган.

Бироқ, бошқа тилларда шундай фразеологизмлар мавжуди, уларда келиб чиқадиган ҳикмат хижжалаб қилинган таржима ичидағи сўзларда ўз инъикосини топмайди. Шундай қилиб, бошқа тиллардаги кўплаб фразеологизмда акс этган ҳикматни уларнинг она тилимиздаги муқобиллари билан алмаштириш воситасидагина рўёбга чиқариш мумкин. Маълумки, бирикманинг муқобил варианtlари контекст ичida маъно жихатидан тўғри келса, аммо шаклан ва уларнинг обьектлари мувофик тушмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Умархўжаев М.Э. Олмон тили лексикологияси ва фразеологияси. Андижон 2010. – 150 с.
2. Бинович Л. Э., Гришин Н. Н. Немецкий-русский фразеологический словарь М., 1975, - 856 с.
3. Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик лугати Т., 1992. – 358 б.
4. Авалиани Ю. Ю. и др. Фразеологические варианты в идиоматике. В сб. «Вопросы фразеологии» Сам. гос. Univ. 1965. с. 54-58.
5. Есенбаев З., Яшин К. Таржима санъати. Мақолалар туплами. Т., 1976. – 285 б.
6. Жураев. К. Таржима санъати Т., 1982. – 876.
7. Эргашева Д. И. К методическому вопросу анализа учебников в преподавании иностранных языков // Педагогическое мастерство: мат-лы II Междунар. науч. конф. (г. Москва, декабрь 2012 г.). М.: Буки-Веди, 2012.
8. Kazakbayeva D. Typology of the constituents of the semantic field of the concept of “ear” in English and Uzbek. SOI: 1.1/TAS. DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online). Year: 2021. Issue: 11. Volume: 103 Published: 30.11.2021
9. Kazakbayeva, D. (2021). THE WORDS WITH THE SEMANTICS OF «EAR» PRAGMATIC PROPERTIES IN THE UZBEK LANGUAGE. InterConf, (72). вилучено из <https://ojs.ukrlogos.in.ua/index.php/interconf/article/view/14143>
10. D. Kazakbayeva, S. Qodirov. Ingliz va o'zbek tillarida "quloq" semantic maydoni konstituentlari tipologiyasi, Science and education 2 (4), 2021, p441-452
11. Shukurdinovna, Shamatova O., and Kazakbayeva D. I. Kizi. "Pedagogical Problems of Creating English Textbooks." JournalNX, vol. 7, no. 1, 2021, pp. 109-112.
12. Сущность речевой культуры при обучении иностранному языку. Дильтузова Илхамовна Эргашева. Молодой ученый, 316-317, 2010
13. Kazakbayeva, D., Shokirov, Sh., & Mamatkulov, A. (2021). Research on lexicalsemantic field of “ear” in different structural languages. Philosophical readings 13, 2283-2289.

14. ИШАНЖАНОВА, М. ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК БАДИЙ МАТНЛАРИДА МАКОН ДЕЙКСИСЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2020, [1/1] ISSN 2181-7324.*
15. Mumtoza, A., & Munosibxon, I. (2023). COMMUNICATION IS THE BASIS OF THE COMMUNICATIVE METHOD. *Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research, 10(11), 194-196.*
16. Молчанова Г. Г. Семантика художественного текста. Т., 1988. – 187, -178 с.